O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 20 ноябрь ШАНБА

№ 92 (12.312)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

МУНОСАБАТ

## ЭЛ-ЮРТ РАВНАҚИ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мисли кўрилмаган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий янгиланишлар юз кўрсатди. "Мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса, 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир", деб таъкидлади республика Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида.**

Депутатлар ва сенаторлар, мажлислар залида ҳозир бўлган ҳукумат аъзолари, республика ташкилотлари, дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасини алоҳида эътибор билан тинглашди. Маъруза бугун наинки мамлакатимизда, балки бутун жаҳонда алоҳида эътибор билан ўрганиляпти, ҳар жиҳатдан кенг шарҳланяпти.

Давлатимиз раҳбари ўтган даврда ҳаёт даражаси, республикамиз қиёфаси қанчалик ўзгариб кетганлигига тўхталиб, эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиш асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берди.

Изчил янгиланиб, қонунчилик ва демократик тамойиллар устуворлик касб этаётган жамиятимизда сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётганлиги, онг ва тафаккур янгича маънавий-ахлоқий нуқтаи назарлар асосида юксалиб, воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик, ҳаммамиз учун энг азиз ва мўътабар Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч ортиб бораётганлиги бу устувор вазифалар ҳам тўла бажарилишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар бугуноқ ўз самарасини бера бошлади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига муайян ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари эътиборни қаратган иккинчи устувор йўналиш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишдан иборат. Шу муносабат билан ҳозирги пайтда, деб таъкидланди маърузада, олдимизда турган вазифалар бу тизимни янада демократлаштириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бунинг учун бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилиши керак. Жумладан, қонунийликни таъминлашнинг янада самарали тамойилларини яратиш, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги қонунларимиз, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мослаштириш тақозо этиляпти. Бу ва бошқа таклифлар қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаб, жамиятда қонунларга оғишмай риоя этиш руҳини кучайтиради.

Шунингдек, маърузада ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Таъкидландики, эндиликда оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти идоралари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолат "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинишини тақозо этаётир.

Жамиятни демократлаштиришнинг маърузада белгилаб берилган муҳим устувор йўналиши сайлов ҳуқуқи эркинлиги ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш билан боғлиқ. Бу борадаги таклифларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳуқуқи принципи тўлиқ жорий этилиб, сайлов тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига тўхталиб, улар жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашаётганлигини кўрсатиб ўтди. Шу муносабат билан ижтимоий шерикликка доир янги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари изчил ва самарали бажарилишини таъминловчи муҳим омилга айланади. Яна бир муҳим гап "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги хусусида. Бу ва бошқа янгиликлар жамиятдаги ижтимоий кучларни фаоллаштириши шубҳасиз.

Мустақиллик йилларида 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бугун улар иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизациялашга хизмат қилмоқда. Маърузада бу борадаги қонуний асосларни янада такомиллаштириш, хусусий мулк, тадбиркорлик фаолиятига оид янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлиги уқдириб ўтилди. Бу қадамлар бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиқиб қўйилаётгани аниқ. Асосий мақсад иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим истиқболли йўналишларида устувор вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олиб, улар оғишмай бажарилишига эришишдан иборат. Бу эл-юрт манфаати, она Ватанимиз равнақига эришишнинг муҳим шартидир.

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ





## КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ УЧУН СОВҒА

**Бекобод шаҳрида 8 та спорт иншооти бор. Шаҳар ёшларининг 28,8 фоизи шу иншоотлардаги тўгаракларда мунтазам шуғулланади. Бадиий гимнастика, кураш, футбол, бокс, стол тенниси, енгил атлетика, қўл жанги каби спорт турлари, айниқса, жадал ривожланмоқда. Масалан, 2003-2008 йилларда бадиий гимнастика тўгараги битта бўлиб, бор-йўғи 45 нафар ёшлар машғулотга қатнаган бўлса, 2010 йилга келиб, 4 та тўгаракда 515 қиз шуғулланмоқда.**

Уларга Назокат Сирожиддинова, Наргиза Раҳимова мураббийлик қилмоқдалар. Шуғулланувчилардан Л. Ҳамидова, М. Тошпўлатова, О. Тошпўлатова вилоят ва республика мусобақаларида қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллашяпти.

Вилоят ҳокимлиги Бекобод шаҳрининг 2, 13, 16-мактабларидаги спорт тўгаракларига 6 миллион 900 минг сўмлик гимнастика гиламлари етказиб берди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят ҳомийлик кенгаши қарори билан 1 миллион 900 минг сўмлик гимнастика жиҳозлари топширилди.

Бундан ташқари, шаҳардаги болалар мусиқа ва санъат мактаби қайта қурилди. Икки қаватли бу иншоотда 310 ўқувчи шуғулланади.

– Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 823 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ ажратди, – дейди мактаб директори Солижон Саидумаров. – Бу бино олдин талабалар турар жойи бўлган, қурувчилар томидан тортиб, ертўласигача янгилашди. Синфларга овоз ўтказмайдиган эшиклар ўрнатилди. Бундан ташқари, 150 ўринга мўлжалланган катта концерт залига эга бўлдик.

Мактабда фортепьяно, скрипка, миллий чолғу асбоблари, хореография, вокал, тасвирий санъат, хор ижрочилиги каби йўналишларда дарс берилади. Шунингдек, компьютерлашган овоз ёзиш студияси ҳам бор.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.**




**СУРАТЛАРДА:** бу совғадан ўқувчилар мамнун; мусиқа мактабининг ҳозирги кўриниши.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# Вилоят ҳаёти

ҚИБРАЙ ТУМАНИ

### АЪЗОЛИК БИЛЕТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қибрай туман кенгашининг "Истиқлол" ёшлар қаноти ўтказган семинарда партиянинг жойлардаги аъзолари иштирок этиб, ёш сиёсатчилар клубининг фаолияти, ёшларни сиёсат ва партия ҳаётига янада кенгроқ жалб қилиш масаласи муҳокама қилинди.**

Шунингдек, республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб берилди.

Семинар сўнгида бир қатор ёшларга партияга аъзолик билетлари топширилди.

**Гўзал ТОШМАТОВА.**

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

### ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

**Туманнинг "Баҳор" маиший хизмат кўрсатиш мажмуасида янги тикувчилик цехи ишга тушди.**

Унда 13 дан зиёд аёллар ишламоқда. Цехда буюртмага кўра, фартук ва қўлқоплар тикилмоқда.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

## ҚИШДА ЁЗДАГИДЕК ТЎКИН БЎЛСИН

**Қиш фасли бошланишига саноқли кунлар қолди. Барчамиз қишда ҳам дастурхонимиз ёздагидек тўкин бўлишини, мева ва сабзавотларни истаганча истеъмол қилишни истаймиз. Лекин қиш кунлари бозорларда нарх-наво кўтарилади.**

Шу нуқтаи назардан, қиш ва баҳор фаслларида аҳолининг мева ва сабзавотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, нарх-навонинг асоссиз ошишига йўл қўймаслик мақсадида вилоят ҳокимининг шу йилнинг 4 октябрида "2010-2011 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун омборларга қўйиладиган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилингани айни муддао бўлди.

Янгийўл шаҳридаги "Pikano-food" масъулияти чекланган жамият фаолияти шу қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган. Корхона шу йилнинг май ойида ишга тушган. Бунинг учун "Турон банк"нинг шаҳар бўлимидан 4 миллиард сўм кредит олиб, 3 минг тонна сиғимга эга музлаткич-камера харид қилинди. Цех ва бинолар мукаммал таъмирланиб, керакли қўшимча жиҳозлар ўрнатилди.

– Асосий мақсадимиз, қиш кунларида аҳолини ҳам сифатли, ҳам арзон нархлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, – дейди корхона раҳбари Олимжон Тошматов. – Бунинг учун ёз ва куз ойларида маҳсулотлар арзон бўлган вақтда катта миқдорда харид қилиб, музлаткич-камерамизга жойлаштирамиз. Юқори талаб даражасида сақланган маҳсулотларни қиш ва баҳор ойларида аҳолига етказамиз.

Ҳозир корхона музлаткичларида олма, узум, анор ва шафтоли жами 3 тонна маҳсулот синов тариқасида сақланмоқда. Сақлаш ҳарорати -5 дан +5 даражагача. Бу ерда компьютерлашган тизим ўрнатилган. Қайси меваларни қанча ҳароратда сақлаш керак, қайси музлаткичдаги ҳароратни ўзгартириш керак, деган саволларга компьютерлар жавоб беради.

Дарвоқе, корхона ҳали тўлиқ ишга тушгани йўқ. Келгусида қўшимча музлаткичлар тадбиркорларга ижарага берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, мева ва сабзавотлардан жем, бўтқа ва шарбатлар ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**Тошкентда "Автомобиль ва бутловчи қисмлар – Auto&Parts Uzbekistan", "Транспорт ва Логистика- Trans Uzbekistan", "Йўл қурилиши ва коммунал техника – UzComak" ва "Кимё саноати – Chemie Uzbekistan", "Пластмасса саноати – Plastex Uzbekistan" кўргазмалари иш бошлади.**

## ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Кўргазмалар Республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзавтойўл" давлат-акциядорлик компаниялари, Ўзбекистон Халқаро автомобилда юк ташувчилар ва "Тошшаҳартранс-хизмат" уюшмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Юртбошимизнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган "2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан мамлакатимизда ташқи савдо юкларини ташиш учун қулай шарт-шароит яратиш, янги транспорт йўлакларини очиш, транзит салоҳиятини юксалтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кўргазмаларда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Германия, Франция, Сингапур, Эрон, Латвия, Литва, АҚШ, Польша, Украина каби йигирмага яқин мамлакатдан етмишдан зиёд фирма ва компания иштирок этмоқда.

– Компания тизимида фаолият юритувчи тўрт корхонанинг кўплаб турдаги маҳсулотларини намойиш этяпмиз, – деди "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг Сайёҳлик, реклама ва маркетинг тадқиқотлари агентлиги раҳбари Фозил Шарипов. – 2011 йилнинг сентябрида Испаниянинг "Талбо" компанияси билан ҳамкорликда "Афросиёб" йўловчи поездини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Бу тезюрар поезд Тошкент ва Самарқанд йўналишида қатнайди.

"Ўзбекистон Инфраструктура – 2010" лойиҳаси автомобилсозлик, транспорт ва логистика, қурилиш, кимё саноати соҳаларининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда турли транспорт технологиялари, автомобиль, темир йўл, денгиз ва дарё транспорти, юк ташиш, логистика, курьерлик ва ахборот хизмати, юк транспорти ускуналари, ҳимоя воситалари, назорат тизимлари ва техник хизмат кўрсатишга оид кўплаб бўлимлар ишлаб турибди.

Юртимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳаларга замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаяпти.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".**

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

**Чиноз тумани Олмазор шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг мажлислар залида ёшларнинг маънавий тарбиясига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Унда ҳудуддаги маҳаллалар раислари ва фаоллари, мактаб ва коллежларнинг ўқитувчилари ҳамда меҳнат жамоалари раҳбарлари иштирок этди. Туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозимлиги, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида фикр-мулоҳаза алмашилди.

**Ирода НОРБОЕВА.**

**2011 йил учун ОБУНА давом этмоқда**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.**




ИФТИХОР

## МАҲСУЛОТЛАР – ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

**2010 йилнинг тўққиз ойида вилоятимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,2 фоизга ўсди.**

**Бу ютуқ иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғида ислоҳотлар изчиллиги таъминланаётгани, фермер хўжаликлари ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани, қишлоқ инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижаси экани шубҳасиз.**

МЕЛИОРАЦИЯ

# ИШДА ТЕЖАМ БЎЛГАНИ ЯХШИ

**Республикамиз Президентининг "2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори деҳқончиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.**

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида инспекциямиз ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланишнинг бозор иқтисодиёти тамойиллари ҳамда илғор технологияларни жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш ҳамда ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг барқарор ишлаши яхши йўлга қўйилди.

Қарор асосида вилоятда 8 та махсус корхона ташкил этилди. Уларнинг асосий фаолияти суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган. Шу мақсадда корхоналар коллектор-дренажлар орқали ер ости зах сувларини қочириб, зах ариқ ва коллектор ҳамда зовур тармоқларини таъмирлашмоқда. Ҳукуматимиз кўрсатаётган эътибор сабабли ўтган вақт ичида юқори унум билан ишлайдиган 49 та экскаватор ва бульдозер харид қилиниб, корхоналарнинг техник базаси кучайтирилди.

Маълумки, экскаватор ёки бульдозер бўладими, уларнинг ишлаши учун дизель ёнилғиси керак. Бу ёнилғи давлат томонидан бозор нархида ажратилади. Шуни инобатга олиб, корхоналарнинг техникалари учун сарфланаётган дизель ёнилғисини тежаш, ортиқча сарф-харажатга йўл қўймаслик чоралари кўриляпти. Чунончи, шу йилнинг ўтган даврида 5108 куб метр тупроқ ишларининг бажарилиши учун 1044 тонна ёнилғи сарфланиши керак эди. Амалда эса 1042 тонна ишлатилди. Сентябрь ойининг ўзида 341,50 куб метр таъмирлаш, қайта тиклаш ва тозалаш ишлари бажарилди. Бунинг учун 61,38 тонна ёнилғи ажратилганди. Амалда эса 60,98 тонна сарфланди. Бунга ишни тўғри ташкил этиш, техникаларнинг созлиги, янгилари сотиб олинаётгани туфайли эришилди.

Шунингдек, "Ўздавнефтгазинспекция", "Ўзнефтмаҳсулот", "Ўзмелиомашлизинг" ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида жойларда мелиоратив экспедицияларда иштирок этаётган пудрат ташкилотларининг раҳбар-мутахассислари учун минтақавий кўргазмали ўқув-семинарлари ўтказилаётгани ҳам айни муддао бўляпти. Семинарлар ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини сақлаш, улардан унумли фойдаланиш ҳамда ҳисоботларни оқилона юритиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Рауф КОМИЛЖОНОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция"нинг вилоят бўлими бош технологи.**

---

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

# ХУСУСИЙ МУЛК – МУҚАДДАС

**Давлат нотариал идораларига қилинаётган мурожаатларнинг аксарияти мулкка эгаликни белгилаш ва мулк билан боғлиқ муносабатларни қонунан тартибга солиш билан боғлиқ. Бир қарашда бу одатий ҳолдек туюлади. Аммо бундан 20 йилча олдин хусусий тадбиркорлик ёки хусусий мулкчилик тўғрисида фикр қилишнинг ўзи тузумга, сиёсатга хиёнат сифатида баҳоланарди.**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янгича тараққиёт йўлини – ривожланишнинг ўзбек моделини танлади. Бу энг аввало хусусий мулкнинг муқаддас деб эълон қилиниши ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилишида яққол кўринди.

Мамлакатимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқларини бутун дунё тан олаётганини кўриб, танлаган мустақил тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги ижтимоий фаол аҳолининг 70 фоиздан зиёди айнан кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида банд. Шундай экан, бу соҳани янада ривожлантирмай туриб, биз иқтисодиётимизнинг келгуси тараққиётини тасаввур қила олмаймиз.

Эътироф этиш керакки, хусусий мулкнинг дахлсизлиги мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди. Асосий Қонунимизнинг қабул қилиниши орқали инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи конституциявий тартибда тан олинди.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш, ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат.

Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун тенг ҳуқуқларни кафолатлайди ва моддий-техник, молия, меҳнат, ахборот, табиий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратади. Тижорат сири ҳисобланган ахборотни ҳимоя қилишни кафолатлайди. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини камситишга йўл қўйилмайди.

Давлат хусусий мулкни бошқа мулк шакллари каби дахлсиз деб эълон қилиб, турли мулк шакллари ўртасида табиий рақобатнинг юзага келиши учун кенг йўл очиб беради. Мулк шаклларининг бир кўринишдан иккинчисига ўтиши, тадбиркорликнинг турли шакллари юзага келиши дастлабки даврда эркин амалга оширилган бўлса-да, муайян бу жараёнга ташқаридан таъсир қилиш ҳоллари ҳам мавжудлигини эътироф этиш лозим.

Давлат ва унинг тегишли органлари қонунда белгиланган ҳолларда мулк субъектини унга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XII бобида мулкчиликнинг турли шаклларини тан олиш ва ҳимоя қилиш бўйича бутунлай янги бўлган ҳолатлар қонуний мустаҳкамланган. Ушбу конституциявий ҳолатлар "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонунда ўз аксини топган. Ушбу қонуннинг 4-моддасида мулк бирон-бир шахсга, жамоага, қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари, ташкилотлар, давлатлар, хусусан хорижий юридик шахсларга тегишли бўлиши мумкин, дейилган. Масаланинг бундай ҳал этилиши, мулк шаклларининг фақат тенглигини эълон қилиш бир хил бўлган мулклардан ташқари мулкчилик ҳуқуқи объектларининг тенг ҳуқуқлилигини билдиради.

Масалан, аввалги қонунчиликдан фарқли равишда "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонунда ер участкалари, дала ҳовли, боғ ҳовлилари, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар, сармоялар, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги турли хил корхоналар, шунингдек, бошқа мулклар фуқаролар ихтиёрида бўлиши мумкин, деб ёзиб қўйилган. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан фуқароларга тегишли бўла олмайдиган мулк бундан истиснодир. Бунда фуқаролар қонуний тарзда сотиб олган мулкнинг нархи ва миқдори қонун билан чегараланмайди.

Мулкка эгалик қилиш мулкчилик муносабатининг бошланғич шакли сифатида юридик томондан мулкнинг ҳужжатлар билан субъектга бириктирилганлигини ифодалайди. Ҳеч ким ўз мулки ва ҳуқуқларидан бекордан-бекорга маҳрум этилмайди. Объектив сабаблар туфайлигина жамият фойдасига ёки манфаатлари йўлида тегишли қонунлар асосида муайян компенсация (ўрнини қоплаш) ҳолларидагина мулкка эгалик қилиш ўзгариши мумкин.

**Жамила ҚОДИРОВА,**
**нотариус.**

---

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида "Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари дастури"га бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.**

# АМАЛИЙ ТАДБИР

Тадбирда бундан икки йил олдин жаҳонда бошланган иқтисодий инқироз ўзининг салбий асоратини қолдириб, ҳатто дунёнинг айрим обрўли компаниялари ҳали ҳам ўз фаолиятини тўлиқ йўлга сола олмаганлиги, мавжуд вазиятдан чиқиб кетиш учун дунёдаги барча давлатлар жиддий чора-тадбирларни амалга ошираётгани ҳақида сўз борди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ўтказилган икки йил Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган машҳур беш тамойилнинг нақадар тўғри ва пухта эканини яна бир бор исботлади. Мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Инқирозга қарши чоралар дастури»нинг қабул қилингани бу масалада муҳим аҳамият касб этди.

Дастур қабул қилинишида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари" китоби муҳим асос сифатида хизмат қилади.

Давлат раҳбарининг мазкур асарида "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил этилган. Инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатишга қаратилган "Инқирозга қарши чоралар дастури"да ҳам бу борада амалий тавсиялар берилган.

2010 йилда ҳам давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ана шу дастурда кўзда тутилган режалар ва аниқ мақсадлар асосида амалга оширилаяпти.

Тадбирда таъкидланишича, давлатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги тўғри ва аниқ сиёсати дунёнинг кўплаб давлатларига намуна сифатида кўрсатилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# БЕМОРЛАР КЎНГЛИ КЎТАРИЛДИ

**Зангиота туманида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят филиали хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда халқаро диабетиклар кунига шаҳар ва туманларнинг бош эндокринологлари билан учрашув ўтказди.**

Тадбир доирасида вилоятдаги оғир асоратли қанд касали бор, махсус рўйхатда турувчи беморлар учун 80 қути феносибрат дориси тақдим этилди.

Шунингдек, жамғарма ходимлари Зангиота туманидаги «Чувалачи» маҳалласида бўлиб, 12 нафар оғир бемор ҳолидан хабар олишди, уларга қишки кийимлар ва дори-дармонлар совға қилинди.

**Саид АСҚАРОВ.**

---

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ



# ТАРҒИБОТ ФАОЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ ўтказилаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ёнғиннинг олдини олишда жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборди.**

Корхона, муассаса ва ташкилотларда, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Учрашувларда корхона, ташкилот раҳбарлари, тадбиркорлар, фермерлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

Чиноз тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳам жойлардаги кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, тўйхона, кафе, ресторан ва бошқа жамоат жойларида, умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларида ёнғиннинг олдини олиш борасида юртдошларимизнинг масъулият ва ҳушёрлигини ошириш, аҳоли тураржойлари ва иқтисодиёт тармоқлари объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш учун зарур ишларни қилмоқда.

– Тадбирларда ёнғин келиб чиқиш сабаблари хусусида атрофлича маълумот берилмоқда, – дейди туман ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори Зоир Эргашев. – Чунки ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олишга қаратилган тадбирлар кўпроқ самара беради.

Айни пайтда туманда 48 та умумтаълим мактаби, 18 та мактабгача таълим, 16 та даволаш муассасаси, 97 та маҳалла бор. Ойлик давомида ёнғин хавфсизлиги билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мактаб, боғча, шифохона, истироҳат боғлари ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилмоқда. Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилиш, ўт ўчириш техника ва қуроллари, бирламчи ўчириш воситалари билан таништириш давом этмоқда.

СУРАТДА: Чиноз тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори Зоир Эргашев 1-умумтаълим мактаби ўқувчиларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтирмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

# СЕРГАКЛИК – ТИНЧЛИК ГАРОВИ

**Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси газлаштириш корхоналари ходимлари билан ҳамкорликда иситиш печлари, газ ва газ асбоб-ускуналаридан чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида комплекс чора-тадбирлар уюштирмоқда.**

Маҳалла, корхона ва уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари, мактаб ва ўқув юртларида учрашувлар ўтказилмоқда, плакат ва эслатмалар тайёрланиб, аҳоли орасида тарқатилмоқда.

Доимий огоҳлантириш, тинимсиз тушунтиришларга қарамай, иситиш тизимларида носозликлар сабабли ёнғинлар содир бўлиб, моддий ва маънавий зарар етказаётир.

Шу йилнинг ўтган даврида вилоятимизда 1346 та ёнғин содир бўлди, шундан 936 таси фуқаролар хонадонларида рўй берди. Ёнғинлар оқибатида 8 фуқаро ҳалок бўлиб, 59 нафари турли даражада тан жароҳати олди.

Ҳозирги кунда бизни ташвишга солаётган асосий муаммолардан бири, иситиш печлари ва газ мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида содир бўлаётган ёнғинлардир. Айрим фуқароларимиз бунга бепарво қараб, белгиланган қоидаларга риоя этмайдилар, эҳтиётсизлик ва эътиборсизликка йўл қўядилар. Бу эса аксарият ҳолларда ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келади.

Оққўрғон тумани Қаҳрамон қишлоғи Ғафур Ғулом кўчасида яшовчи фуқаро Х. Қорабоева, Пискент шаҳри Амир Темур кўчаси 79-уйда яшовчи фуқаро Х. Саидхўжаевнинг уйларида иситиш печи мўрисининг носозлиги оқибатида ёнғин содир бўлиб, уй эгаларига катта моддий зарар етди.

Ўртачирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғи «Қорасув» маҳалласи 12-уйда яшовчи фуқаро Э. Усмоновнинг уйида рўй берган ёнғин оқибатида уй эгаси тан жароҳати олди.

Ёнғин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан сақланиш, ёнғинларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси яна бир бор эслатадики, иситиш печлари мавсум олдидан таъмирланиб, мўриси тозаланиши, газ ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилиш кўпгина кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олади.

Оловдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Ҳамма вақт сергак ва ҳушёр бўлсак, лоқайдликка чек қўйсак, кунимиз тинч ва осуда ўтади.

Юртимиз ва халқимиз бойлигини, энг бебаҳо бўлган инсон ҳаётини ёнғиндан асраш – ҳаммамизнинг ишимиздир. Бунинг учун барча фуқаролар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да фаол қатнашиб, давлат ёнғин хавфсизлиги назорати текшириш чоғида аниқлаган барча камчиликларни бартараф этиши лозим.

**Гулшан ИНОҒОМОВА,**
**вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси кичик инспектори.**

---

# ФТИЗИАТР ВА ПУЛЬМОНОЛОГЛАР СЪЕЗДИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон фтизиатр ва пульмонологларининг 7-съезди бўлиб ўтди.**

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон фтизиатр ва пульмоноглар илмий тиббиёт жамияти, Марказий Осиё Пульмонологлар Ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир мамлакатимизда сил ва ўпка касалликлари тарқалиб кетишининг олдини олиш, уни тезда аниқлаш, ташҳис қўйиш, профилактика ва даволаш масалаларини такомиллаштиришга қаратилган.

Съезд ишида мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 300 дан ортиқ соҳа мутахассислари, Россия, Германия, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон давлатларидан олимлар иштирок этди.

Йиғилишда силга қарши ва пульмонологик муассасалар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, халқаро даволаш стандартлари бўйича сил ва нафас аъзолари касалликларини кечиктирмасдан, мунтазам даволаб бориш усуллари масаласи муҳокама қилинди.

Съезд иши "Замонавий даврда сил ва ўпка касалликларига қарши курашнинг стратегияси" ва "Ўзбекистон фтизиатр ҳамда пульмонологлари илмий-тиббий жамиятининг ташкилий масалалари" мавзуларида ташкил этилди.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

# МИННАТДОРЛИК

Мен Бўка туманида яшайман, пенсионерман. Сизларга хат ёзишимдан мақсад туманимиз ИИБ паспорт бўлими ходимларига чин қалбимдан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Улар узоқ йиллардан буён ички ишлар бўлимида ишлаб, эл-юрт тинчлиги, осойишталиги учун фидойилик билан хизмат кўрсатишмоқда. Доимо фуқаролар билан очиқ муомалада бўлишади. Кишиларга ёрдам беришни бурчлари деб билишади.

Ўз ишининг фидойиси бўлган бу каби инсонларнинг биз, меҳнат фахрийларининг оғиримизни енгил қилишда хизматлари катта. Заминимиз тинч бўлишини таъминловчи бундай инсонлар янада кўпаяверсин.

**Одил НАСИМОВ.**

---

БЕКОБОД ШАҲРИ ҲОКИМЛИГИ ДИҚҚАТИГА

**Ўлкамизга қиш фасли кириб келмоқда. Мавсумга тайёргарлик ёзнинг ўрталариданоқ бошлаб юборилган эди. Бунинг учун вилоят ҳокимининг "Вилоят иқтисодиёт тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Шунга асосан барча корхона, ташкилот ва муассасаларда керакли тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Лекин аҳвол ҳамма жойда ҳам бир хил эмас.**

# ШАҲАРДАН ТАШҚАРИГА ГАП ЧИҚМАСИН ДЕСАНГИЗ...

Чунончи, кўрсатилаётган коммунал хизматлар аҳолини қаноатлантирмаётган ҳоллар учраб турибди. Биз Бекобод шаҳрининг айрим ҳудудларида бўлиб, шундай ҳолатларнинг устидан чиқдик.

Шаҳарнинг 13-кичик туманидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли анча вақтдан бери электр таъминотидаги носозликлардан қийналмоқда.

– Мен 38-уй 15-хонадонда 10 йилдан бери яшайман, – деди Ҳалима Эрназарова. – Электр таъминотидаги носозликлардан жуда чарчадик. Ҳафтада 1-2 марта чироқ ўчмаса ҳисобмас. Гоҳида ток кўпайиб кетишидан юрагимизни ҳовучлаймиз. Шунинг оқибатида телевизор, музлаткич, компьютерим ишдан чиқди.

Бизга айтишларича, таъминотдаги бундай муаммоларга ток тарқатувчи асосий трансформаторнинг таъмирталаблиги ҳамда электр қувватининг камайганлиги сабаб бўлаётган экан. Шаҳар электр тармоқлари идорасидагиларнинг ўзи янги трансформатор ўрнатиш зарурлигини айтишган экан. Лекин ҳеч қандай амалий ишга қўл урилмаган.

– Аслида трансформаторни янгилаш шаҳар электр тармоқлари идорасининг вазифаси, – дейди 38-уй 31-хонадонда яшовчи Лидия Курносова. – Қарасак, улардан садо чиқмаяпти, биз янги трансформаторнинг қўшимча қисмлари учун пул йиғишга ҳам тайёрмиз. Фақат сифатли хизмат кўрсатишса бўлгани. Бошқа ҳеч нима талаб қилмаймиз.

"Фарғона" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Азиз Алибоев билан учрашиб шундай жавоб олдик:

– Биз имкон доирасида ҳаракат қилаяпмиз. Лекин муаммонинг бизга боғлиқ бўлмаган томонлари бор. Буёғига ҳокимиятдагиларнинг ёрдамини кутяпмиз. Улар ёрдам кўрсатишса, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади.

Фуқароларнинг куюнчаклик билан айтишларича, бу ерда бошқа муаммолар ҳам бор экан. Иссиқлик таъминоти талаб даражасида эмас. Ёзда совуқ сув фақат эрталаб ва кечқурун бериларкан.

– Яқинда телевизорда "Очиқ мулоқот" кўрсатуви бўлди. Шаҳримизнинг коммунал соҳа бўйича мутасаддилари чиқишиб, қилинган ишлар юзасидан ҳисобот беришди, – деди Светлана Дербекова. – Ҳудудимизда қилиниши керак бўлган ишлар кўплигига қарамай, кўрсатувда мавжуд муаммолар ҳақида гапирилмади.

Биз 3-кичик туманда ҳам бўлдик. Бу ердаги аҳволни очиғи, қандай изоҳлашни билолмай қолдик. Ал-Хоразмий маҳалласидаги 18-уйнинг кўпгина йўлакларида эшиклар йўқ. Айрим қаватларда ойналар йўқлиги учун елвизак кўзни очирмайди.

Маҳалла ҳудудида болалар майдончаси бор. Лекин бу ерда болалар қачон арғимчоқ учиб, копток тепишганини эслай олишмайди. Чунки, у ташландиқ аҳволда. Фуқаролар бу жойни автомобиллар учун гаражга айлантиришмоқда.

Исмоил Тоиров 18-уйнинг 1-қаватида яшайди. Унинг уйи ҳовли-жойни эслатади. У 6 сотих майдонни ўзбошимчалик билан ўраб олиб, қурилиш қилган. Томорқасини алоҳида нуқтадан сув чиқариб, суғоради. Лекин бунинг учун сув ҳисоблагич ўрнатмаган. У саволимизга "кўчиб келганимда шундай эди", дея жавоб берди.

Бу уйда бошқа ноқонуний қурилишлар ҳам қилинган экан. Фуқаролар балконларнинг ёнида қўшимча хоналар қуриб олишаяпти. Улар бунинг ноқонунийлигини била туриб, шундай қилишмоқда. Бунга шаҳар ҳокимлиги ва бош меъмор совуққонлик билан қарашмоқда.

Биз иккита кичик тумандаги муаммо ва камчиликларни баён этдик, холос. Истагимиз, шаҳар мутасадди раҳбарлари амалий ишларга ўтишса деймиз. Шундагина бу ҳудуддагилар ўз ёғларига ўзлари қовурилишмайди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**Даврон АҲМАД, (суратлар)**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**





СУРАТЛАРДА: фуқаролар ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилишлар қилишдан тап тортишмаяпти; Ал-Хоразмий кўчаси 18-уй олдидаги ахлат уюми ҳеч кимнинг ғашини келтирмай қўйган.

# МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ НАМОЙИШИ

**"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "Ijod" уюшмаси, "Устазода" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазма-ярмаркада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ уста-ҳунармандларнинг ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси анъанавий ўтказиб келаётган "Асрлар садоси", "Bazar-Art" каби маданий лойиҳалар, турли кўргазмалар ва кўрик-танловлар уларнинг ижод намуналарини юртимиз ва хорижда кенг тарғиб этиш, ёш истеъдодларни аниқлаш, "Уста-шогирд" мактабини янада самарали йўлга қўйиш имконини бераётир.

Кўргазма-ярмаркада каштачилик, тўқимачилик, чеварлик, кулолчилик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, гиламдўзлик каби йўналишлардаги миллий ҳунармандлик намуналари намойиш этилмоқда.

**ЎзА.**

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ – 2010

**Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида давом этаётган Осиё ўйинларида вакилларимиз 22 та медални қўлга киритишди. Мусобақанинг дзюдо турида ҳамюртимиз дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров финалда япониялик Хираоки Хироакани енгиб, Осиё ўйинларининг олтин медали билан тақдирланди. Абдулла Тангриев эса жамғармамизга кумуш медални қўшди. Финалда унга озгина омад етишмай, Жанубий кореялик рақибига имкониятни бой берди.**



# ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ ИШОНЧНИ ОҚЛАШМОҚДА

Дзюдо бўйича яна бир полвонимиз Рамзиддин Саидов учинчи ўрин учун кечган баҳсда тожикистонлик курашчининг курагини ерга текказиб, бронза медалига сазовор бўлди.

81 кг. вазнда баҳс олиб борган Шокир Мўминов финалгача етиб борди, аммо Жанубий кореялик Жой Вин Жуга ютқазиб қўйди. Яна бир курашчимиз Дилшод Чориев ҳам финалда япониялик рақибини енга олмади.

Ўқ отиш бўйича аёллар терма жамоамиз Хитой ва Эрон вакилларидан кейинги ўринни эгаллаб, ҳисобимизга навбатдаги бронза медалларини қўшиб қўйишди.

Осиё ўйинларида тўлиқ таркиб билан иштирок этган гимнастикачи қизларимиз саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтиб, финал йўлланмаси учун кечган баҳсда ҳам зафарли юришларини давом эттиришди. Асал Сафарбаева, Луиза Галиулина, Юлия Горева, Елена Волоченко, Диана Каримжонованинг тўплаган баллари совринли учинчи ўринни эгаллаш учун етарли бўлди.

Шахмат бўйича мусобақада вакилимиз Рустам Қосимжонов энг юқори балл тўплаб, фахрли биринчи ўринни олди. Теннис беллашувларида иштирок этган мамлакатимиз ракетка усталари эса олтин медаль учун кечган баҳсда имкониятни бой бериб қўйишди ва иккинчи ўрин билан кифояланишди.

Шунингдек, каноэда эшкак эшишда ҳам спортчиларимиз яна бир медалга эгалик қилишди. Эркаклар ўртасида ўтказилган слалом беллашувларида иштирок этган Зубарёв ва Наумов жуфтлиги якуний натижаларга кўра, бронза медали билан тақдирланишди. Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси Ўткир Қурбонов ҳам совриндорлар қаторидан жой олди. Дзюдо бўйича 100 кг. вазнда беллашган вакилимиз Осиё ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Велоспортчимиз Владимир Тўйчиев 30 км.га ўтказилган пойгада 71 очко тўплаб, энг юқори натижа билан олтин медални қўлга киритди. У иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган гонконглик Ванг ва эронлик Суҳробийларни 11 очкога ортда қолдира олди.

Спорт гимнастикасининг брусда машқ қилиш йўналиши бўйича ўтказилган баҳсларда Антон Фокин кумуш медални қўлга киритди.

Оғир атлетика мусобақаларида ҳамюртимиз Мансур Чошимов даст кўтариш ва силтаб кўтариш бўйича жами 372 очко жамғариб, кумуш медаль билан кифояланди.

Таэквандо беллашувларида вакилимиз Дмитрий Ким ҳам навбатдаги кумуш медални ҳисобимизга ёзиб қўйди. У финалда эронлик таэквандочига имкониятни бой берди.

Шунингдек, аёллар ўртасидаги сув полоси мусобақасида терма жамоамиз аъзолари Хитой ва Қозоғистондан кейин 3-ўринни эгаллашди.

Спортнинг эшкак эшиш тури бўйича ўтказилган жуфтлик баҳсларида олимпиячиларимиз Наврўзалиев ва Дитрих жуфтлиги Осиё ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлишди.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# МАЪНАВИЯТ ДАРЗ КЕТГАНДА...

Рашид оилада кенжа ўғил. Шунданми, акаларига суяниб улғайди, уларга орқа қилиб яшашга ўрганиб қолди. Унинг Самарқанднинг Пахтачи тумани, Хайрабод қишлоғи, «Санчикўл» маҳалласидаги турмуши ёмон эмасди. Аммо, кўнгил баъзан узоқ-узоқ жойларни, кўз илғамас кенгликларни тусаб қолади: балки у ёқларда яшаш қизиқроқ, пул топиш осонроқдир... Рашид ҳам айни гуллаган, гуркираган 19-20 ёшида астойдил меҳнат қилиб, мўмайгина пул топмоқчи бўлди, "ҳам тижорат, ҳам саёҳат" деганларидек... Аммо, киши бирор ишга қўл урар экан, бунга ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр бўлиши керак. Рашиджонда ҳавас, иштиёқ бўлса ҳам лаёқати йўқлиги боисми, йўлидан адашди. Адашганда ҳам қаттиқ адашди. Оқибатда 6 йилга озодликдан маҳрум бўлди. Келинг, воқеа тафсилоти билан Рашиднинг судда айбдор сифатида берган кўрсатмалари орқали танишайлик, хулоса эса ўзи келиб чиқиши аниқ.

– Холамнинг ўғли Ҳамидулла билан Россиянинг Нижний Новгород шаҳрига отландик. Ҳамидулла у ерга аввал ҳам бориб, ишлаб келган, йўл-йўриқни яхши билади. Ота-онам ҳам унга ишониб, менга рухсат беришди, етиб боргач, ишга жойлашдим: қурилишда сувоқчилик қила бошладим. Менга ўхшаганлар у ерда кўп экан. "Ўзга юртда ёғлиқ ош ейман" деб ўйлайдиганлар кўп-да. Фақат, улар орасида биз каби содда, ношудларни яхши сўзлар билан авраб, нопок йўлларга бошловчи разил одамлар ундан ҳам кўп экан. Бўлмаса, намоз ўқишни ўргатади деб Бахтиёр, Азамат, Сафар, Иброҳим исмли ғараз ниятли кишилар таъсирига тушиб қолмаган бўлар эдим. Улар бошлаб борган "Плошадь Ценная"даги ислом динидан таълим берувчи мадрасага қатновчилар, у ердаги «устоз»ларнинг ҳаммаси ҳам холис ниятли одамлар эмас экан. Ахир айтишадику: "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур" деб. Афсус, буни жуда кеч тушуниб етдим. Нодон, ношудлигим панд берди. Бўлмаса, киндик қоним тўкилган она Ватаним – Ўзбекистонда динга бўлган муносабат "яхши эмас" деган уйдирмага, экстремистик оқим аъзоси Азамат аканинг "жиҳод" ҳақидаги сафсаталарига қулоқ тутармидим! Боз устига, уларнинг қора ниятлари йўлидаги ҳаракатларига хайрихоҳ бўлиб, нотўғри кўрсатмаларига амал қилармидим?..

Хуллас, Рашиднинг кечиккан афсус-надоматларининг чеки йўқ. Наинки ўз шаъни, балки ота-онаси, қавму қариндош обрўсига дахл қилган инсон учун энг катта жазо аслида виждон азоби. Ахир, ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган, эркин яшаш, фикрлаш, ўқиш, хоҳлаган меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имконияти яратиб қўйилган, онадек азиз, отадек мўътабар Ватан шаънини ҳимоя қилолмаслик нонкўрлик эмасми? Эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистондек жаннатмакон юртнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори жаҳон кўзгусида бор бўйбасти билан намоён бўлиб турибди. Тўғри, ер юзида қанча тирик жон бўлса, шунча фикр, ҳаракат, интилиш бор. Беш қўл баробар эмас. Шунинг учун ҳам ўзга давлатларга бориш, ишлаш ихтиёрий. Бирни кўриб фикр қилиш, мингни кўриб шукр қилиш имконияти ҳам қўлингизда. Аммо, ўзганинг "ёғлиқ оши"ни ҳазм қилолмай, шудгорда ётган қуйруққа интилишнинг оқибатини жабрини тортганлар билади.

Шу ўринда яна бир воқеани айтиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмас. Бир неча йил аввал бир киши "инглиз тилини бепул ўқитаман", деб одам йиғаётган эмиш дея ҳамма қизиқиб қолди. Ажаб, нима учун "бепул"? Сабаби кейин аён бўлди. Эвазига, у айтган динни қабул қилиш керак экан...

Ана шунақа гаплар. Айтмоқчи бўлганимиз, барча неъматлар ичра энг азизи – Ватандек паноҳ ардоғида бўлиш бахтидан ҳеч ким мосуво бўлмасин!

**Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЮЗ САВОЛ ВА МИНГЛАБ СОВРИНЛАР

**"Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Юзта савол ва минглаб совринлар" викторинасини эълон қилди.**

Мазкур викторина шу йилнинг 15 ноябридан 15 декабрига қадар ўтказилади. Унда омадли иштирокчилар учта "Матиз" русумли автомобиль соҳибига айланиши ҳамда ноутбуклар, телевизорлар, флеш-карталар, DVD-плеерлар, қўл соатлари ва бошқа кўплаб совғаларни қўлга киритишлари мумкин. Автомобиллар янги йил арафасида ўз эгаларига топширилади. Викторинада 18 ёшга тўлган барча юртдошларимиз қатнашиши мумкин.

Унда иштирок этиш учун www.fondforum.uz сайтида берилган саволларга жавоб бериш лозим. Викторина сўровномалари Республикамизнинг бир неча даврий нашрларида эълон қилинади.

Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларда ташкил этилган Соврин топшириш марказлари вакиллари ғолиблар билан боғланадилар ва совғаларни эгаларига топширадилар.

"Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан 2008 йилда Совринли ўйин илк маротаба ўтказилган бўлиб, унда 103 нафардан ортиқ қатнашчилар иштирок этган ва уч ғолибга "Матиз" автомобили насиб этганди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА, "Туркистон-пресс".**

# ЁШ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида тошкентлик рассом Инна Сандлернинг шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Бу ерда унинг рангтасвир ва графика йўналишидаги асарлари намойиш этилди. Ушбу асарларнинг кўпчилиги портретлардан иборат бўлиб, уларда ёш рассом инсоннинг ички оламини ифодалашга ҳаракат қилган.**

Инна Республика рассомлик коллежининг дизайнерлик бўлимини тамомлаган. Ўзининг ажойиб анъаналарига эга ушбу коллеж мамлакатимиздаги машҳур ўқув масканларидандир.

Ҳозир Инна Сандлер китоб графикаси соҳасида самарали ишламоқда, у болалар ва катталар учун мўлжалланган кўплаб китобларни бадиий безаган. Инна мусиқани нозик ҳис этади. Бу унинг Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Адиба Шарипованинг "Ўзгариш" китобига ишлаган безакларида яққол кўзга ташланади.

Ёш рассом Анна Ртвеладзенинг "Тунги эртак" шеърий тўпламини, француз ёзувчиси Ле Клезео ва америкалик ёзувчи Сьюзен Линнинг ҳикоялар китобини ҳам безаган. У мамлакатимизда ўтказиб келинаётган кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

– Мамлакатимизда ёш йигит-қизларни баркамол этиб тарбиялаш, ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиши учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди Инна Сандлер. – Бу давлатимиз раҳбарининг навқирон авлодга кўрсатаётган ғамхўрлиги самарасидир. Президентимизнинг биз, ёшларга билдираётган бундай юксак ишончини оқлаш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

Ёш мўйқалам устасининг ижодий режалари катта ва уларнинг рўёбга чиқишига ишонамиз. Зеро, мамлакатимизда иқтидорли ёшлар учун барча имкониятлар яратилган.

**Рустам ШАГАЕВ, ЎзА мухбири.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




caricatura.ru

# XXI аср ва дунё

## ТАРИҚ АЗИЗ ҚАТЛ ЭТИЛАДИМИ?

**Ироқ президенти Жалол Талабоний мамлакатнинг собиқ бош вазири Тариқ Азизни қатл этиш ҳақидаги ҳукмни имзолашдан бош тортди, деб хабар берди Reuters агентлиги.**

Талабонийнинг сўзларига кўра, у социалист бўлгани учун бундай қилолмайди. Қолаверса, 74 ёшли Тариқ Азизга биринчидан, ироқлик христиан бўлгани, иккинчидан, кекса эканлиги учун ачинади.

Саддам Ҳусейннинг сафдоши бўлган собиқ бош вазир Тариқ Азиз 26 октябрда ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Ироқ Олий суди уни мамлакатдаги диний мухолифатни йўқ қилиш ва диний сиёсий партиялар вакилларини қувғин қилишда қатнашганликда айблади.

Азиз илгари Форс кўрфазидаги уруш вақтида Ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаб турганда ҳам Ҳусейн идора усулига алоқадорлиги учун 22 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганди.

Айрим давлатларнинг вакиллари Тариқ Азизнинг кексалиги ва соғлиги ёмонлигини инобатга олиб, унга шафқат қилишга чақирдилар. Азиз 2010 йил январда Американинг Ироқдаги қамоқхонасида инсультни бошидан кечирган эди.

## ГАИТИДАГИ ВАБО ДОМИНИКАНГА ЎТДИ

**Доминикан республикасида биринчи вабога чалиниш ҳолати расмий қайд этилди. Бу хавфли эпидемия қўшни Гаитида тарқалган эди.**

AFP агентлиги тарқатган хабарга кўра, бу касаллик асли гаитилик бўлган 32 ёшли Вилмонт Лоуэлдан топилди. У меҳнат таътилида ватанига бориб, вабони юқтириб қайтган, дея тахмин қилинмоқда.

Қурилишда ишлайдиган Лоуэл ҳозир Игуэй шаҳридаги шифохоналардан бирида даволанмоқда. Доминикан республикаси соғлиқни сақлаш вазири Баутиста Рохаснинг айтишича, беморнинг аҳволи барқарор дея баҳоланмоқда.

Гаитида вабо эпидемияси октябрнинг охирларида бошлаганди. Ўтган даврда мингдан зиёд аҳоли вабо қурбони бўлди.

## НИГОҲ

# БИР ЁЛҒОНДАН ҚИРҚ

**Тожикистон раҳбарияти жамоатчиликни боплаб алдаяпман, деб ўйлаяпти-ю, бироқ бу ножўя хатти-ҳаракати билан ўзини ўзи алдаётганини фаҳмламаяпти.**

Халқаро валюта фонди шу йилнинг апрелида Тожикистон раҳбариятига баёнот билан қилган мурожаатида Роғун ГЭСи қурилиши учун маблағ йиғиш республиканинг макроиқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларига акс таъсир қилиши айтилган эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Роғун акциялари сотила бошлангач, тожик оммавий ахборот воситалари мамлакат фуқаролари бу қимматбаҳо қоғозларни харид қилаётганлари ҳақида жар солиб, уларнинг "ватанпарварлик хислатлари"га алоҳида урғу беришга киришди. Тожикистон телевидениесининг биринчи канали кўрсатувлари асосан аҳоли Роғун акцияларини оммавий сотиб олаётганига бағишланди. Ўтган вақт давомида ГЭС қурилиши ҳақида маҳаллий каналларда махсус репортаж ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди, ҳаттоки, спектакль саҳналаштиришга ҳам улгуришди.

Тушунарлики, ҳукумат қуруқ ташвиқот билан чекланиб қолмади. Тожикистон маъмурияти ГЭС қурилиши учун аҳолидан пул ундиришнинг янги-янги усулларини ўйлаб топиб, қўллади. Эндиликда Тожикистоннинг ўз юкларини темир йўл транспортида ташиётган жисмоний ва юридик шахслари Роғун акцияларини сотиб олишлари шарт (ҳар бир вагон учун 300 сомонийлик акция).

Мамлакатда расмий тақиқ амал қилаётганига қарамай, шахсий машина эгаларига ойналарини 500 доллар эвазига қорайтиришга рухсат берилди. Айтишларича, бундан тушган пуллар ҳам Роғун қурилишига йўналтирилармиш. Энди давлат автомобиль инспекцияси ходимлари шахсий машина эгалари хуш кўрадиган бир хил рақамлардан иборат автомобиль номерларини сотувга қўяяптилар. Илгари бундай номерлар минг долларга (албатта, енг ичида) сотиларди.

Тожикистон шимолидаги ҳамма кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳар ойда ГЭС акцияларини сотиб олишга ва бундан маҳаллий маъмуриятни хабардор қилишга мажбурлар. Бу мажбуриятни бажармаганларнинг иши турли инспекциялар томонидан жиддий текширишларга дучор бўлади.

АҚШ элчихонасининг Тожикистонда инсон ҳуқуқларига оид вазият ҳақидаги ҳисоботида таъкидланадики, мамлакат маъмурияти жамоатчилик институтлари, хусусий бизнес, ҳукумат ташкилотлари ходимлари, талаба ва алоҳида шахсларни Роғун акцияларини сотиб олишга тайёр эканликларини ошкора маълум қилишга мажбурлаш кампаниясини бошлади. Ҳукумат ГЭС акцияларини сотиб олишга ҳеч ким мажбур қилинмаётганини таъкидлаётганига қарамай, давлат ташкилотларининг кўплаб ходимлари иш ҳақларининг бир қисми уларнинг розилигисиз ажратиб олиниб, Роғун ГЭСи ҳисоб рақамига ўтказилаётганини маълум қилдилар. Маъмурият мактаб директорлари ва шифохона раҳбарларига Роғуннинг 500 дан 5000 сомоний (113-1136 доллар) бўлган акцияларини сотиб олишни ўз ходимларига буюриш ҳақида кўрсатма берди. Фуқаролар Роғун лойиҳасига пул ўтказишдан бош тортиб, қувғинга учраш ва ишдан ҳайдалишдан қўрқишларини тан олмоқдалар.

Халқаро валюта фондининг нотаси Тожикистон ҳукуматини Роғун ГЭСи қурилиши учун маблағ йиғиш ҳақидаги ахборот-реклама кампаниясини тўхтатишга мажбур этди. Маъмурият бундан буён Роғун акциялари фақат кўнгилли тарзда сотилишига ваъда берди. Президент Имомали Раҳмон ҳам тезда ўз муносабатини билдирди. Гўё халқаро ташкилот "қамчиси"дан кўзи мошдек очилган давлат раҳбари ўзининг йиллик мактубида аҳолининг бошқарув идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳа ходимларининг ножўя хатти-ҳаракатлари, шунингдек, киборларча муносабатлари тўғрисидаги кўплаб шикоят ва аризаларидан ташвишда эканлигини баён қилиб, тегишли шахсларга Роғун акцияларини зўрлаб сотишга қатъий чек қўйиш ҳақида топшириқ берди.

Халқаро валюта фондининг Тожикистондаги ваколатхонаси раҳбари Аксель Шиммельпфеннинг Тожикистон раҳбарининг ройишлигини кўриб: "Ҳукуматнинг реклама кампаниясини бас қилиш ҳақидаги қарори бизга умид бағишлайди" деди. Аммо маъмуриятнинг бундай кўнувчанлигига бошқа жиддий сабаб бор. Халқаро валюта фонди Имомали Раҳмон олдига кескин шартлар қўйди. Жумладан, агар Тожикистон раҳбарияти унинг шартларини қабул қилмаса, фонд ўзининг Тожикистонга оид дастурини амалга оширишни тўхтатади. Демак, Европа Иттифоқи, Умумжаҳон Банки ва Осиё тараққиёт банки томонидан бюджетга кўмаклашиш ҳам, бевосита Халқаро валюта фонди томонидан тўлов балансига ёрдам бериш ҳам тўхтайди. Бу йиллик молиявий ёрдамлар 200 миллион долларга тенг.

Шунга қарамай, Тожикистон томони ўз ваъдасини бажармоқчи эмас. Бугунги кунда мамлакатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари аҳолини ГЭСнинг машъум акцияларини сотиб олишга очиқдан-очиқ мажбур этмоқда. Бундай зўрлик оқибатида аҳоли акция ҳақларини тўлаш учун мол ва автомашиналарини сотишдан ўзга чора тополмаяпти. Одамларнинг кўзёши ва илтижоларига жавобан улар: "Ҳар биримизга маълум миқдордаги акцияларни аҳолига сотиш режаси тайинланган. Агар уни тўла бажаролмасак, сотилмай қолган акциялар қийматини ўз ёнимиздан тўлашимиз керак", деган гапни рўкач қилмоқдалар.

Қизиғи шундаки, акция ҳақини тўлашга пули йўқ оилалардан меҳнатга яроқли бир киши Роғун ГЭСи қурилишида ишлаш учун жалб этилмоқда. Тожикистонликлар "Нима, биз қулмизми? Нега бизни сургунга ҳайдашади?" деган саволларга жавоб ололмай ҳалаклар.

Сирасини айтганда, халқ орасида норозилик кучаймоқда. Аҳоли ўртасида болалаб кетган миш-мишларга қараганда, яқиндаги табиий фалокатлардан сўнг президент Имомали Раҳмон чет давлатлардан бирининг раҳбаридан ёрдам сўраб, мурожаат қилган. У раҳбар эса Тожикистон раҳбарига "Бу мақсадларга ўзингнинг аффшор банкларга қўйган шахсий пулларингни ишлат, улар нафақат жабрланганларга ёрдам кўрсатиш, балки Роғун ГЭСи қурилишига ҳам бемалол етади", деб маслаҳат берди.

Эслатиб ўтамиз, Тожикистон раҳбарияти Халқаро валюта фондини биринчи марта алдаётгани йўқ. Ҳали ёдимиздаки, фонд Тожикистондан илгари кредит сифатида ажратган 47 миллион доллардан кўпроқ маблағини қайтариб беришни талаб қилган. Негаки, Тожикистон ҳокимияти фондга ишониб бўлмайдиган шубҳали маълумотлар берган. Фонд вакили бу ҳолни фонд тарихидаги энг катта ёлғон деб баҳолади. Ёлғон шундан иборат эдики, Тожикистон Миллий банки ўз захирасини 500 миллион доллар деб ишонтирган эди, аслида эса 115 миллион доллар экан. Бундай кўзбўямачиликдан мақсад кўпроқ қарз олиш бўлган.

**Кароматулло МИРЗОАВЛИЁЕВ.**
centr-asia.ru.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Хуршида ТУРСУНБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 5366. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 1234